



83

Қ А Р О Р

2006 йил "28" УШВ

№ 1399-К

Собик Самарқанд район Халқ Депутатлари ижроия комитетининг 1988 йил 15 апрелдаги 68 м/4 рақамли қарорини қисман бекор қилиш ҳамда «Озода» хусусий маиший хизмат қўрсатиш қорхонасига 0,3 га ер майдонини фойдаланиш ҳуқуқини утказиш ҳақида.

Собик Самарқанд район Халқ Депутатлари ижроия комитетининг 1988 йил 15 апрелдаги 68 м/4 рақамли қарори, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, бошлигининг тақдимномаси ва «Озода» хусусий маиший хизмат қўрсатиш қорхонасининг туман ҳоқимлигига ёзган хаттини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36 ва 22 моддаларига асосан

Қ А Р О Р К И Л А М А Н:

1. Собик Самарқанд район Халқ Депутатлари ижроия комитетининг 1988 йил 15 апрелдаги собик «Комсомол» жамоа хужалиги ҳудудидан Равонак ҳаммоми ва «Найзатеппа» маҳалласидаги 45-сонли мактабни сув тозалаш иншоотини қуриш учун 1,0 га сувли ер майдони ажратиш ҳақидаги 68 м/4 сонли қарори қисман бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тугрисида»ги 3709-сонли Фармони, шу йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш буйича ташқилий чора-тадбирлар тугрисида»ги 255-сонли қарорига асосан «Гулобод» ширкат хужалиги ерлари 100% фёрмер хужалиқларига айлантирилганлиги сабабли қайтариб олинган 0,7 га (шундан: 0,7 га сувли хайдалма) ер майдони кишлок хужалиги махсулотларини ишлаб чиқариш учун «Миришқор Давронов Яхъё» фермер хужалиги балансига утказилсин ва 0,3 га ер майдонини фойдаланиш ҳуқуқи «Озода» хусусий маиший хизмат қўрсатиш қорхонаси ҳаммомининг сув тозалаш хавзаси учун қолдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ерга солиқ солиш тугрисида»ги Қонунига асосан ер солигини ундириш ва 2007 йил 1 январ ҳолатидаги фермер ва «Озода» хусусий маиший хизмат қўрсатиш қорхонаси ер балансига узгартириш қиритиш туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи З.Аминов ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Рузиевларга топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳоқими:

Б.Садуллаев